



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь куни инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз томонидан оқилона иқтисодий дипломатия юритилаётгани натижасида экспорт ва инвестиция миқдори изчил ошиб бормоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробар ўсган. Бунинг эвазига юзлаб завод ва корхоналар ишга туширилиб, маҳсулот ва хизматлар ҳажми кўпайди, одамлар ишли бўлди, янги иншоотлар қурилди.

Бундай ишлар ҳар бир тармоқ ва ҳудудда давом этмоқда. Йил бошидан буён 179 та йирик ва 10 мингта ҳудудий лойиҳалар ишга туширилган. Уларга 76 триллион сўм инвестиция йўналтирилган. 143 мингта иш ўрни ташкил этилган.

Йиғилишда янги лойиҳаларни ўз вақтида бажариш ва аввал ишга тушганларини тўлиқ қувватга чиқариш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Охириги йилларда фойдаланиш-

га топширилган 442 та лойиҳа паст қувватда ишлаётгани қайд этилди. Жойида ўрганилганда, уларнинг 238 тасида хомашё ва бозор топиш, 115 тасида кредит, 35 тасида инфратузилма билан боғлиқ муаммолар борлиги аниқланган.

Вилоят ҳокимларига ушбу корхоналар муаммоларини ҳал этиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига йил якунига қадар 139 та йирик ва 3 мингта ҳудудий лойиҳаларни ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир сўм инвестиция иқтисодиётга натижа бўлиб қайтиши, халқимиз манфаатига хизмат қилиши кераклигини таъкидлади. Шу боис, лойиҳалар бўйича кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ва келгусида натижа бериши қатъий назоратга олинди.

Саноат лойиҳаларида асосий эътибор замонавий, рақобатбардош, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Шу боис, улар учун илғор хорижий технологиялар харид қилинган.

Йиғилишда жорий йилда импорт қилинган 270 дан ортиқ ускуна ҳали ўрнатилмагани кўрсатиб ўтилди. Бунга сабаб бўлаётган жараёнларни содда-лаштириб, ускуналарни тезроқ фойдаланишга киритиш зарурлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Президент сайлови олдида халқ билан учрашувларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича янги тизим жорий этилишини айтган эди. Бунинг учун ҳар бир ҳудудда “туман лойиҳа гуруҳлари” ва холдинг компаниялари ташкил этилиши режалаштирилган. Ушбу янги тузилмалар тадбиркор-

ларнинг бизнес ҳамкорига айланади. Улар тадбиркорларнинг ёнида туриб, ғоядан бошлаб, инвесторларни жалб қилиш ва лойиҳаларни тўлиқ қувватда ишлашига ҳар қуни ёрдам беришга масъул бўлади.

Йиғилишда ушбу янги тизимни тез ва самарали ташкил этишга доир вазифалар белгиланди.

Президент хорижий инвестиция ва экспорт ҳажмини оширишда мамлакатимизнинг чет давлатлардаги элчилари фаолияти муҳимлигини таъкидлади. Ҳудуд ва тармоқ раҳбарларига истиқболли лойиҳалар топиб, элчилар билан биргаликда уларни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар ахборот берди.

ЎЗА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

ХАЛҚ ҚАДРИНИ УЛУҒЛАГАН ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ САРҲАДЛАР ОША ОЛҚИШЛАНМОҚДА

Эл кўюнганда кўюлган — ботир, эл сўюлганда сўюлган ботир. Аждодларимиздан мерос бу ҳикмат мазмуни бугун ҳар биримизнинг теран фитратимизда яшайди. Ҳаётимизга янги ҳаво, тоза муҳит бағишлайди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон халқи ватанпарварлик руҳи билан зўр кўтаринки кайфиятда яшамоқда. Кейинги йилларда ҳаётимиз ҳам, турмуш тарзимиз ҳам тубдан ўзгарди. Миллий давлатчилигимиз тарихида мисли кўрилмаган кенг кўламли ислохотларни бошладик ва тарихий ютуқларга эришдик.

Энг асосийси, Президентимиз таъбири билан айтганда, **бу ислохотлар ортага қайтмас тўс олди**. Бунга ўтган беш йилликда нафақат бизнинг халқимиз, шунингдек, бутун дунё ишонди ва Ўзбекистондаги кенг кўламли янгиланишларга ҳавас билан боқмоқда.

Бундай дейишимизга далиллар кўп. Биргина 24 октябрь куни бўлиб ўтган Президент сайловидаги халқаро эътирофларни келтирсак kiffoя, деб билдик.

Шу мавзуда сўз юритганда, аввало, мамлакатимиздаги Президент сайлови натижалари ва янги Ўзбекистондаги ислохотлар билан уйқаш мазмундаги мақолалар бугун нуфузли хориж матбуоти саҳифаларини безаб турганини фахр билан тилга оламиз. Биз имкон қадар хориждаги турли нашрларни кузатиб бордик. Таҳлилларимизга кўра, сайловдан кейинги **бор-йўғи бир ҳафта давомида хориж матбуотида чоп этилган мақолаларни жамласак қалин китоб бўлишига** амин бўлдик.

▶ Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

Инсон ўз қадрини топган Ватанда ҳамisha бахтиёр, кўнгли тўқ, хотиржам яшайди. Мабодо саломатлигида муаммо бўлса, ғамхўрлик, меҳр-оқибат туйғулари уни ҳаётга қайтараркан. Қалбда саломатлигини тиклашга бўлган ишонч катта куч бераркан. Бу эса, яқинлар қуршовида инсоннинг қаддини тутиб олишига энг катта маддидир. Қарийб уч йил жигар циррози билан курашдим. Бошимдан ўтган дарду изтиробларни ёзсам, дoston бўлади.

ҒАМХЎРЛИГИНГИЗ МЕНИ ҲАЁТГА ҚАЙТАРДИ

Ўзим тиббиёт ходимиман. Бундан уч йил олдин декабрь ойида қулоқларим олдида чурра пайдо бўлди. Топширган таҳлилларим асосида менга жигар циррози ташхиси қўйилди. Қутилмаган хабардан довдираб қолдим, тушкун кайфият домига торта бошлади. Шифохонада даволандим. Дори-дармон қиммат, уларни қабул қилмасам аҳволим оғирлашиб, қоринда шиш пайдо бўла бошларди. Даволанишлар вақтинча эди, шифохонадан қик-

дим дегунча аҳволим яна ёмонлашиб қоларди.

“Бу дарднинг давоси йўқ”, деган ўй мени тобора ажалнинг оғзига яқинлаштирар, фарзандларимнинг кўзидаги мунг эса баттар азобларди. “Болаларим мени соғиниб, ўқсимасин”, деган ўйда уларга қаттиқ гапирар, баъзан бақирардим. Аспида улар — юрагимнинг бўлағи, ҳаётим мазмуни. Лекин уларнинг менга қаттиқ боғланиб қолиши мендан кейин уларни қийнаши тайин эди.

▶ Давоми 3-бетда

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ

ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МУРОЖААТ

Азиз ватандошлар!

Мамлакатимизда хонадонлар ва маҳаллалар ободлигини таъминлаш, кўчаларимиз кўрқига кўрк қўшиш, бир сўз билан айтганда, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлиқни таъминлаш борасида улкан ишлар бажарилмоқда.

Кенг кўламли бу ҳаётий ташаббусларга ҳамоҳанг тарзда бугун юртимизда меваали ва манзарали дарахтлар кўчатини экиш орқали атроф-муҳит мусоффолигига ҳисса қўшиш, аҳоли саломатлигини сақлашга давлат даражасида эътибор қаратилаяпти.

Дарахт экиб, боғ барпо этиш халқимизга хос азалий қадриятлардан саналади. Бирор хонадонда фарзанд туғилса, аввало, ерга ниҳол қадалган. Халқимиз орасида тилдан-тилга ўтиб келаётган “Яхшидан боғ қолади”, “Бирни кессанг, ўрни эк” каби нақллар ҳам бежиз айтилмаган.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, дарахтлар барча фаслларда ҳарорат мўътадиллигини сақлашга катта хизмат қилади. Аиниқса, жазирама ёз ойларида қуёшдан тушаётган иссиқликнинг катта қисmini тутиб қолиб, ер устида ҳароратнинг меъёрдан ортиб кетишининг олдини олади. Шунингдек, инсонга куч-қувват бaшx этиб, қон босимини маромига келтиради, юрак ва асаб тизими фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бизни кислород билан таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан маҳаллалар ва хонадонларда дарахт кўчатлари экишни янада жадаллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирларда ҳам мана шу жиҳатлар эътиборга олинмоқда.

Ушбу эзгу ташаббусни амалий ҳаракатга айлантириш мақсадида қатор қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиб, шаҳар, туман ва аҳоли яшаш манзилларини обод этиш, дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш, яшил майдонларни кенгайтиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилмоқда.

Президентимиз шу йил 2 ноябрь куни аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгай-

тириш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида мазкур масалага кенг жамоатчилик эътиборини яна бир бор қаратиш асосида ғоят муҳим ва барчамиз учун жуда зарур бўлган ҳаётий ғоя ва тақлифларни ўртага ташлади.

Хусусан, шаҳар, туман марказлари ҳамда аҳоли пунктларида йўлга қўйилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида йилгига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатини экиш орқали юртимиздаги яшил майдонларни кенгайтириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Дарахтларни кўпайтириш ва тева-рак-атрофни қўқаламзорлаштириш чора-тадбирларини янада жадаллаштириш мақсадида шу йилнинг 10 декабрига қадар маҳаллаларда дарахт экиш бўйича “**долзарб 40 кунлик**” эълон қилинди.

Бунга кўра, автомобиль йўллари бўйи, маҳаллалар, кўчалар, ижтимоий соҳа ва туризм объектлари, аҳоли хонадонларида мамлакатимиз иқлим шароитига мос кўчатлар экиш бўйича катта ташаббус бошланди.

Азиз маҳаллалар аҳли!

Оилаларимизда фарзандлар туғилиши, иморат солиш, рўзгор тўқислиги, шунингдек, тева-рак-атроф гўзаллиги ва ободлигини таъминлаш каби ҳаётий заруратларимиз бевосита табиат ва дарахтларга бўлган муносабатимизга ҳам боғлиқ.

Бугун экилган бир туп ниҳол эртага катта дарахтга айлангач, унинг соясию мевасидан катта-ю кичик бирдек баҳраманд бўлади. Олаётган нафасимиз мусоффолиги таъминланади.

Кадрли юртдошлар!

Дарахт экиш бўйича “**долзарб 40 кунлик**” тадбирларида фаол иштирок этайлик! Ўз хонадонимиз, кўчамиз ҳамда маҳалламиз ободлиги, кўрқига муносиб ҳисса қўшиб, фуқаролик бурчимизни бажарайлик!

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИНИНГ МУРОЖААТИ

Азиз юртдошлар!

Мухтарам отахон ва онахонлар!

Дунё миқёсида атроф-муҳит тозаллигини сақлаш заруратини юзага келтираётган омиллар, атмосфера мусоффолигини бузаётган салбий ҳолатлар инсониятга тобора жиддий ҳавф солмоқда.

Айниқса, йилдан-йилга кучаяётган иқлим иссиқи натижасида мавжуд экологик мувозанат издан чиқиб, барча халқларни оғоҳлик ва серакликка ундамоқда.

Сўнгги йилларда мазкур муаммоларни бартараф этиш, ҳудудлар ободлигини таъминлаш ва бунинг натижаси ўлароқ, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш борасида давлатимиз томонидан қатор муҳим ислохотлар ўтказилмоқда. Хусусан, маҳалла ва кўчалардаги дарахтларни кўпайтириш, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектлари атрофига меваали дарахтлар экиш бўйича зарур чоралар амалга оширилмоқда.

Кўчат экиш, боғ яратиш халқимизга хос эзгу қадриятлардан саналади. Оталарнинг фарзандига атаб дарахт экиши ҳам авлоддан-авлодга ўтиб, қадрият даражасига кўтарилиб келаётган аъёналаримиздан.

Дарахтларни кўпайтириш, уларнинг тури ва хилма-хиллигини ошириш бўйича давлатимиз томонидан қўрилаётган саъй-ҳаракатларни ҳаётга жорий этишда сиз, азиз нурунийларнинг хизмати катта.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг 10 декабрига қадар дарахт экиш бўйича “**долзарб 40 кунлик**” эълон қилинди.

Қадри нурунийлар!

Биз сизнинг кўп йиллик ҳаётий тажрибангиз ҳамда она табиятимизга меҳрингизни юксак эътироф этган ҳолда, ушбу ташаббусда фаол иштирок этишингизни сўраб қоламиз.

Хусусан, жойларда олиб борилаётган ободонлаштириш ва дарахт кўчатларини ўтказиш ишлари бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш, масъул ташкилотлар ходимларига ҳар томонлама кўмак беришда сизнинг бой ҳаётий тажрибангиз, хайрихоҳлигингиз бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Шу билан бирга, ёшларнинг табиатга меҳр-муҳаббатини ошириш, аҳоли орасида экологик маданият тарғиботини кучайтириш борасида сиз, пиру бадавлат нурунийлар, кўпни қўрган оқсоқолларга суянамиз.

Барчангизни янги Ўзбекистон — инсон қадрли устувор бўлган жамият ва халқларвар давлатимизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш, она табиятимиз ва ватандошларимиз саломатлигини асраш йўлидаги ушбу эзгу ҳаракатда фаол иштирок этишга чорлаймиз!

Ушбу хайрли йўлда барча тақлиф ва ташаббусларингизни қадрлаймиз, қўллаб-қувватлаймиз!

▶ Давоми 4-бетда



Турмушимизни маиший техника воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Оддий музлатгичдан тортиб, телевизор, электрон қурилмаларгача бари хонадон учун зарур бўлган электротехника маҳсулотлари ҳисобланади. Юртимиз саноатида энг ёш бўлган бу тармоқ тез суръатларда ривожланиб, одамларнинг электрон техникаларга бўлган талаби ортиб борапти. Биргина мисол, Давлат статистика қўмитаси маълумотида кўра, жорий йилда Ўзбекистонда 100 та уй хўжалигига 108 та музлатгич, 165 та телевизор, 290 та мобиль телефон тўғри келмоқда.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

ХАЛҚ ҚАДРИНИ УЛУҒЛАГАН ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ
САРҲАДЛАР ОША ОЛҚИШЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

ЕВРОПА МАТБУОТИ:

Ўзбекистон бундан беш йил аввал очиқлик сиёсатини танлади ва шундан буён жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда

Сайловнинг эртаси куни **Венгриянинг нуфузли нашри — “INDEX”**да **“ЎЗБЕКИСТОННИНГ АМАЛДАГИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗ ЖОИДА. ОЧИҚЛИК СИЁСАТИ ЭСА ДАВОМ ЭТАДИ”** сарлавҳали мақола чоп этилди.



“Ўзбекистон бундан беш йил аввал очиқлик сиёсатини танлади ва шундан буён жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда”, “Ислохотлар ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди — ўзбек миллий валютаси билан боғлиқ конвертация чекловлари олиб ташланди, давлат корхоналарини хусусийлаштириш бошланди”, “Суд тизими ўзгарди”, “Ўзбекистонга вазисиз саёҳат қилиш мумкин бўлган мамлакатлар сони деярли ўн баробар кўпайди — 9 тадан 86 тага етди”, дейилади мақолада.

Муаллиф таҳлилади бу эътироф аниқ мисоллар билан давом этади. Жумладан, Ўзбекистонда кейинги беш йилда **80 та янги олий таълим муассасаси** ташкил этилгани, халқаро университетлар филиаллари очилаётгани ҳақида сўз боради.

Венгрия томони **Ўзбекистонда янги тиббиёт**

университетини очиб бўйича музокаралар олиб бораётгани ҳам қайд этилади.

Бу, бир ўқиганда, оддий гапдек туюлиши мумкин. Эътибор қилсак, моҳиятан катта сиёсат маҳсулидир. **Ўзбекистон тарихида қачон хорижнинг нуфузли олий таълим муассасаси очилган? Фақатгина XXI асрга келиб — 2017 йилдан сўнг.** Қайси давлатда халқаро университетлар ташкил топади? Қайсики юртда барқарор тараққиёт кузатилса, қай давлатга сармоя кириши кафолатланса, у мамлакатнинг ёшлари қўллаб-қувватланса, илм олишга чанқоқ йигит-қизлар кўп бўлса.

Словакиянинг “ФИНАНСОВАЯ ГАЗЕТА” нашри эса “ЎЗБЕКИСТОН: ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ПРЕЗИДЕНТЛИК ПОСТИГА КАЙТА САЙЛАНДИ” сарлавҳали мақолада Президентимизнинг бу ишончли ғалабасини ўтган йилларда мамлакатда амалга оширилган халқчил ислохотлар билан изоҳлайди.



“Мамлакатда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, аҳолининг маданий-маънавий савиясини ошириш, қуролли кучларнинг

ҳарбий салоҳиятини юксалтириш, ўзаро манфаатли ва прагматик ташқи сиёсат юртишдаги етакчилик Шавкат Мирзиёев сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади”, деб ёзади муаллиф.

Бу ислохотлар самарасида кейинги беш йилда **Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт даражаси юксалди, мамлакат иқтисодиёти — 24 фоизга, ишлаб чиқариш ҳажми — 34 фоизга, экспорт кўлами — 1,5 баробар, ташқи инвестициялар — 3 баробар ўсди. Уртача ойлик иш ҳақи эса — 2,2 баробар ошди**, дея давлатимиз раҳбари бошчилигида эришган ютуқларимизни санаган “Финанс-соевая газета” Шавкат Мирзиёевнинг келгуси беш йиллик режаларини ҳам назардан қочирмаган.

“Келгуси беш йилда **Ўзбекистонда аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ички маҳсулотни 1,6, саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4, меҳнат унумдорлигини 2 баробар ошириш мақсад қилинган. 2023 йил охиригача мамлакатда инфляция даражасини 5 фоизгача камайтириш кўзда тутилган”**, дея таъкидлайди Словакия нашри.

Тўғрида. Янги Ўзбекистон бугун қудратли мамлакатга айлана бошлади. Бунинг учун барча асослар, имкониятлар ва шароитлар етарли. Ўзбекистон пахтани четга сотишни тўхтатди. Уни тайёр маҳсулот кўринишида хомашё нархидан кўра, 10-15 баробар қимматга сотяпмиз. Қишлоқ ҳўжалиги ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мутлақо янги — кластер тизими жорий қилинди. Бу хомашёдан тайёр маҳсулотга ўтиди, демак экспорт ҳажми ва валюта кирими кўпайди, деганидир.

АМЕРИКА МАТБУОТИ:

Ўзбекистондаги сайловлар дунёга таъсир қилади

Американинг машҳур **FORBES** журнали мустақил журналист Мелик Кайланнинг Ўзбекистондаги Президент сайлови натижаларига бағишланган **“ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВЛАР ДУНЁГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ”** сарлавҳали мақоласини чоп этди.



Алоҳида эътиборга молик ушбу мақола ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши табиий. Мелик дўстимиз **Ўзбекистон неча йиллар ўранган қобикни ёриб чиққани** ҳақида гапирар экан, **кейинги йилларда мамлакатимизда сезиларли демократик тараққиётга эришилганини** эътироф этади.

Шунингдек, журналист **Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилаш, болалар меҳнатига барҳам бериш, инвестиция оқимини кўпайтириш, инвесторларни рағбатлантириш ва туризмни ривожлантириш, мамлакатни тадбиркорлар учун очиб борасидаги сиёсатини** алоҳида таъкидлаган.

Унинг таъкидлашича, **расмий Тошкент сўз эркинлиги, демократия, ошкоралик сари жуда оғли ва эҳтиёткорлик билан қадам ташламоқда. Асосийси — бу жуда тўғри танлов.**

Мелик Кайлан мақола сарлавҳасида эътироф этганидек Ўзбекистондаги сайловлар дунёга таъсир қилади. Бу, аввало, Ўзбекистоннинг геоминтакавий, геосийсий жойлашуви ва минтақада тугган ўрнида кўзга ташланади. Шу ўринда гап Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган юртимизнинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси ва янги Ўзбекистон қадам ташлаётган Учинчи Ренессанс ҳодисасининг халқаро аҳамияти ҳақида бормоқда.

ОСИЁ МАТБУОТИ:

Мамлакатда энг муҳим маъмурий-ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилди

Сайловдан икки кун ўтиб **Малайзиянинг “OIC TODAY” нашрида “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ”** дея бошланган мақолада бу муваффақият замирида **2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** асосида бажарилган катта ислохотлар ётганига ургў берилади. **Бу даврда мамлакатда энг муҳим маъмурий-ҳуқуқий ва иқтисодий**



дий ислохотлар амалга оширилди, дея қайд этади муаллиф.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган даврда Ўзбекистон том маънодаги ислохотлар мамлакатига айланди. Мудроқ қарашлар уйғонди, раҳбарлар қўзини очди — халқнинг дардини тинглай бошлади. Узоқ йиллардан буён ечимини кутиб, аҳоли қаддини букиб келган муаммоларга ечим топилди. Мамлакатда диний бағрикенглик, яқин-йироқ давлатлар билан дўстона ҳамкорлик муҳити шаклланди. Гендер тенглик сиёсати юритилиб, мажбурий меҳнатга барҳам берилди. Буларнинг барчаси Ҳаракатлар стратегияси асосидан ҳеч оғишмай катта жасорат билан амалга оширилди.

Мақолада Президент Шавкат Мирзиёевнинг маънавий юксак қиёфасига чизиларни ўқиш мумкин. Бу биргина жумлада намоён бўлади: **Шавкат Мирзиёев бошқа сиёсий партиялардан Президент сайловида иштирок этган номзодларга ҳам миннатдорлик билдирди.**

Давлатимиз раҳбарининг **“Кеча биз рақиб эдик, энди эса бир муштордек ҳаракат қилишимиз керак”**, деган гапини келтиради муаллиф.

Ўзбек халқи

Шавкат Мирзиёевнинг ҳақиқий КУЧЛИ ЕТАКЧИ эканини тасдиқлади

Туркиянинг нуфузли “ANKASAM” нашри “24 ОКТЯБРДА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВ ҒОЛИБИ: “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ЕТАКЧИСИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚИ” сарлавҳали мақола чоп этди.

Мақола муаллифи Шавкат Мирзиёевнинг қайта сайланишини ўтган йилларда амалга оширган муваффақиятли ишлар тасдиғи, дея баҳолайди.

“Бу заруратни ўзбек халқи, минтақа давлатлари ва дунёнинг етакчи мамлакатлари яққол ифода этмоқда. Чунки Евроосиё геосиёсатининг ўзгарувчи жараёнида минтақанинг юраги бўлган Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётган, мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий барқарорлик узлуксизлиги нуктаи назаридан барча томонлар хурмат қиладиган нуфузли етакчиларга эҳтиёж пайдо бўладиган бир даврда, ўзбек халқи Шавкат Мирзиёевнинг ҳақиқий КУЧЛИ ЕТАКЧИ эканини тасдиқлади”, дейилади мақолада.

Албатта, бу каби эътироф ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Сиз ҳам чарчайсизми, дея сўраган журналистлар Президентимизнинг, айниқса, шижоатини яхши билади. Гап шундаки, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқи учун бор куч-ғайратини, халқ билан бирга тўплаган бой тажрибасини юртимиз, халқимиз фаровонлиги учун сарфляпти. Бу кутлуг йўлда кечасю кундузи тиним билмай меҳнат қилмоқда.



Баъзан тунги соат иккиларда ҳам вилоят ҳокимларига, худудларда юрган командаси аъзоларига телефон қилиб, аҳоли турмуш шароити билан қизиққани, ҳол-аҳвол сўраганини ўзидан эшитганмиз.

Мақолада Янги Ўзбекистон стратегияси ҳақида ҳам фикр билдирилган. Жумладан, **тараққиётимизнинг янги стратегиясида яқин истиқболда ҳам минтакавий иқтисодий муносабатлар, Туркий дунё билан дўстона алоқалар, иқтисодий-иқтисодий жабҳадаги ислохотлар узвий давом этиши** таъкидланган.

Муаллиф сўзини **“Ўзбек халқини ушбу буюк шахсни Ўзбекистон Раҳбари этиб танлагани билан чин қалбидан табриқлайман ва Туркий дунёнинг етакчи давлат арбобларидан бири бўлган Президент Шавкат Мирзиёевга янги муддатда муваффақиятлар тилайман”**, дея самимий тугатади.

Ўзбекистон Марказий Осиёда

муҳим таъсирга эга

Хитойдаги кўп минг сонли ўқувчиларига эга **“ХИТОЙ”** журналида **“ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАРИ ВА НАТИЖАЛАР”** сарлавҳали мақола чоп этилди.

Муаллиф Ўзбекистон кейинги йилларда минтақа хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшганини эътироф этади ва бу йўналишга эришилган **6 та муҳим натижани санайди.**

Ўзбекистон географик жойлашуви ва аҳоли нуфуси жиҳатидан Марказий Осиёда муҳим таъсирга эга давлат сифатида, **минтақа хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотик моддалар савдосига қарши самарали курашаётгани, қўшни давлатлар билан аҳил муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсат устуворлиги, дунёнинг ривожланган давлатлари билан мутаносиб сиёсат юритаётгани, кўп томонлама ҳамкорлик фаоллашгани, минтакавий аҳамиятли долзарб ташаббуслари қўллаб-қувватланаётгани** каби натижалар шулар жумласидан.

Муаллиф ҳақ, ўз навбатида, бу эътирофлар сирасига кейинги йилларда Ўзбекистон қўшни-

ларга ўз эшикларини очгани, кўп йиллардан буён музокаралар гирдобидида келган чегара, сув ва бошқа манбалар муаммосига ечим топилгани, эндиликда тарихий илдизи туташ халқларимиз борди-келдиси тиклангани, бу миллионлаб Марказий осийликлар ҳаётига мазмун киритгани, миллионлаб инсонлар тақдирини ўзгартирганини ҳам мамнунлик билан қўйиш мумкин.

Албатта, бу мавзуда узоқ сўзлаш мумкин. Энг муҳими, бугун Ўзбекистондаги ўзгаришларни дунё ҳамжамияти тан олмоқда ва қизгин олқишламоқда. Бу биз таҳлил қилган хориж матбуоти саҳифаларида ҳам ёрқин акс этиб турибди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Улғубек АСРОРОВ тайёрлади.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистон Америка давлатлари ташкилоти ҳузуридаги доимий кузатувчи мақомини олди

Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) Доимий кенгаши кеча Ўзбекистонга яқдил овоз билан доимий кузатувчи мақомини берди.



АДТ Шимолий ва Жанубий Американинг 35 давлатида ташкил топган. Ўзбекистон Ғарбий ярим шардаги энг узоқ тарихга эга халқаро ташкилотнинг 73-доимий кузатувчиси бўлди.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Жавлон Ваҳобов АДТ Доимий кенгаши раиси Жошуа Фиажо билан учрашув ўтказди. Тадбирда томонлар минтакавий ва глобал хавфсизликнинг устувор йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш, инсон ҳуқуқлари ва демократик эркинликларни таъминлаш, шунингдек, минтакавий иқтисодий интеграцияни рағбатлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Кенгашнинг ихтисослаштирилган муассасалари ва аффилиланган тузилмалари билан қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, телекоммуникация, фан-таълим, маданият ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари алоҳида муҳокама қилинди.

Жошуа Фиажо, шунингдек, Ўзбекистоннинг Лотин

Америкаси ва Кариб денгизи мамлакатлари билан, биринчи навбатда, савдо ва сармоя соҳасида ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишда ташкилот платформа-сидан фойдаланиш истагини қўллаб-қувватлади.



Дипломат Ўзбекистоннинг АДТ фаолиятидаги иштироки ўзаро манфаатли бўлиши, республикага глобал муаммоларни ҳал этиш ва минтакавий ҳамкорликда тажриба алмашиш учун қулай имконият тақдим этишига ишонч билдирди.

Доимий кенгаш раиси Ўзбекистонни мазкур ташкилот Бош Ассамблеясининг 9-11 ноябрь кунлари бўлиб ўтadиган 51-сессиясида иштирок этишга таклиф қилди.

Америка давлатлари ташкилоти 1948 йил Панамерика иттифоқи (1889 йилда тузилган) негизда ташкил этилган. АДТ ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоялаш мақсадларига хизмат қилади. АДТ ҳузуридаги доимий кузатувчи институти 1971 йилда ташкил этилган. Ташкилот бош қароргоҳи Вашингтон шаҳрида жойлашган.

“Дунё” АА

Вашингтон

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

ҒАМХЎРЛИГИНГИЗ МЕНИ ҲАЁТГА ҚАЙТАРДИ

Бошланиши 1-бетда

Турмуш ўртоғим хорижда ёлланма ишчи сифатида ишлаётган эди. Унинг иш ҳақи уч фарзандим билан тинч-тотув, эл олдига кам ҳам, ортиқ ҳам эмас — кўнгил тўлар даражада яшашимизга етаётган эди.

Утган йили пандемия бошланиб, турмуш ўртоғимнинг иши юришмай қолди. Қизим Соҳиба менинг азиятимга қўшиб, оила ташвишларини ҳам бўйига олди. Сингилларига меҳр, менга далда, отасига суянч ва юпанч бўлган қизим бир кун телевидениеда берилган кўрсатув ҳақида гапириб қолди. Унда жигарининг ярмини бериб, волидаси ҳаётини сақлаб қолган қиз ҳақида хикоя қилинган. Шу бўлди-ю, ороми қочди. Мухбир қизнинг телефон рақамини топди. Қарз-ҳавола қилиб, яхшиларнинг кўмаги билан пул тўлаб, Ҳиндистонга кетдик. Афсуски, йиққан маблағимиз қон таҳлилларигагина етди, холос. Даволаниш пули-ю, ватанга қайтиш харажатлари учун эса маблағимиз қолмади. Бундан қаттиқ ўйга чўмган қизим уша кўрсатувга видеохабар йўллади, вазиятни тушунтирди. Ўзга юртдаги онасининг аҳоли ҳақида гапирди. Қарангки, бу лавҳа бир неча бор эфирга узатилди.

шифохонада аҳолимдан хабар олиб, операция учун керакли маблағ ажратилганини билдирган кун туш кўраётганга ўхшардим. Сиз вилоти-мизга ташрифингиз чоғида ҳам Соҳибанинг бу ишини эсга олиб, меҳрибон ва жасоратли қизларимиз кўпайсин, дея алоҳида эътироф этибсиз.

Шундай қилиб, Сизнинг эътиборингиз ва ғамхўрлигингиз, мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси вакиллари ёрдами билан тезда жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Зарур маблағ тўлаб берилди. Энди ўйлаб кўрсам, яқин-яқингача юртимизда саломатлигини йўқотган инсонларнинг хорижда даволаниши учун шунча маблағ ажратадиган раҳбар ё бошқа ғамхўр инсон бормиди?!

Қизимнинг кейинчалик айтишича, аслида операция ўн соатдан ортиқ давом этиши керак экан. Мен эса, беш соатда жарроҳлик амалиётдан муваффақиятли чиқдим. Ҳиндистондалигимизда элчихонамиз ва вилот раҳбарлари ҳолимиздан ҳар кун хабар олиб турди. Биламан, бу топшириқни ҳам уларга Сиз айтгасиз. Сиздан, улардан жуда миннатдорман.

Муваффақиятли ўтган бу жарроҳлик амалиёти ортида Сизнинг эътиборингиз борлиги тезда оёққа туришимга сабаб бўлди.



Қўтирмаганда тунда қизимга кўрсатув муҳаррири кўнғирок қилиб, кўрсатувнинг тунги эфирдаги такрорини Президентимиз — Сиз кўриб қолганингизни, биз ҳақимиздаги маълумотларни билиб, кўмак бериш кераклигини айтганингиз ҳақида хабардор қилибди.

Бу хушхабарни эшитиб, юртимизда ҳақиқатан ҳам инсон қадрлари ҳар нарсадан устунлиги-ю, саломатлигим давлат раҳбарининг диққат-эътиборида эканидан кўнглим осмон қадар юксалди. Бегона юртда бўлсам-да, Сизнинг тўларча меҳрибонлигингизни чин дилдан туйдим. Бу оғир дарднинг енгишимга ишонч ҳисси ортди, яшашга бўлган иштиёқим кучайди.

Буни қарангки, элчихона ходимлари мен ётган

Бугун ўз уйимда хотиржам, фарзандларим қувончига шерик бўлиб ўтирибман. Ҳаётим буткул ўзгарди. Утган йиллардаги турли ёмон уйлар, тушкунлигу кўрқувдан асар ҳам йўқ. Энди болаларимнинг юз-кўзларидан ўпиб, ҳар кун меҳр билан эркалайман. Яна бир хушхабар: вилот ҳокими Соҳиба қизимни ўз мутахассислиги бўйича тиббиёт муассасасига ишга ҳам жойлаштирди.

Эндиликда ҳар кун эрта тонгда мендек оддий инсонларга ҳам меҳр улашаётган, ширин ҳаётга қайтариш учун дардимизга шерик бўлиб, зарур пайтда моддий-маънавий қўллаб-қувватлаётган Сиз — азиз, қадрли Президентимни дуолар қиламан. Яратгандан Ватанимизга тинчлик, тўқинлик, халқимизга соғлиқ, осуда ҳаёт сўрайман. Саломатлиги тикланаётган, фақат ва фақат ёруғ кунларни яшаётган бир она учун бундан ортиқ саодат борми?!

Саодат ЁҚУБОВА

Сурхондарё вилоти,

Термиз шаҳри, “Чегара” маҳалласи

КРЕАТИВ ҒОЯ — АМАЛДА

ҲАМЮРТИМИЗ ДАВЛАТГА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ СОТИШНИ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талаб ва эҳтиёжни узлуксиз таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Қуёш ва шамол сингари қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатиш, уларни самарали қўллаш орқали аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган муҳим қадамлар ташланмоқда.

Бу жараёнда илк уринишлар ҳамisha атроф-муҳит, жамият учун қизиқарли ва шов-шувли бўлган. Шу кунларда хонадони томига ўрнатилган қуёш панелидан олинаётган электр энергиясининг ўз эҳтиёжидан ортиқчасини давлатга сотишни бошлаган юртдошимиз ҳақидаги янгилик барчанинг тилига тушди.

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманида истиқомат қилувчи Рустам Ёдгоров бундан 2-3 йил аввал янги уй кўтаришни бошларкан, уй битса, албатта, хонадони учун қуёш панели ва сув иситиш қурилмаси ўрнатиш ҳақида яхши ният қилди. Уй битгач, табиийки, унинг бу нияти амалга ошди. Нефть ва газ соҳаси мутахассиси — Рустам Ёдгоровга соҳани яхши биладиган танишларининг маслаҳати асқотди. Уларнинг ёрдами билан хонадонига қуёш фотоэлектр станцияси ва қуёш сув иситиш қурилмаси ўрнатилди.

— Сув, газ, электр энергияси инсоният ҳаёти учун доим керакли манба ва муҳим бойлик саналади, — дейди хонадон соҳибига. — Бироқ ундан унумли фойдаланиш, тежаш — бизнинг вазифамиз. Қиш кунлари аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи ошиб, айрим пайтларда тармоқда узилишлар бўлар ёки электр қуввати пасайиб, хоналарни ёритишга кучи етмай қоларди. Қуёш панелларидан фойдаланиш эса бу каби муаммоларнинг олдини олади. Бугун кўп юртдошларимиз қуёш панелларидан фойдаланишга қизиқмоқда, хонадонларига ўрнатмоқда.

Янги уй кўтардик. Битгач кўп қатори биз ҳам хонадонимиз томига соатига 5 кВтгача ҳажмда ишлайдиган қурилма ўрнатдик. Ишни шундай мослама ўрнатиб берадиган фирмага мурожаат қилишдан бошладик. Мутахассислар келиб, қаерга ўрнатиш мумкинлигини ўрганди. Ўзбекистон шароитида қуёш ёз кунлари тик, қиш кунлари ётқирок чиқишини ҳисобга олиб, дарвозахона томига, жанубга қаратиб ўрнатишни маслаҳат беришди. Мутахассислар тажрибали экан, ўрнатишга кўп вақт кетмади. Шу кунгача оиламиз эҳтиёжи учун фойдаланиб келаётгандик. Бироқ кун бўйи биз ишда, болалар ўқишда бўлгани боис, электр токи бекордан-бекорга сарф бўлаётганди. Электр энергиясининг эҳтиёжидан ортиқчасини сотишимиз ҳам мумкинлиги ҳақида эшитиб, “Худудий электр тармоқлари”, “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” АЖ корхоналарига мурожаат қилдик. Бошида бу ишнинг амалга ошишига ишонмадик. Улар фикримизни маъқуллади, биз учун фойдали томонларини тушунтирди. Шундай қилиб, ўртада шартнома тузилди. Тўғри, Ўзбекистонда бу илк қадам бўлгани боис осон бўлмади. Бироқ ишнинг уйдасидан чиқдик. Бизни қувонтиргани, энди қурилма тўпалаётган энергия бекорга “ҳавога учмайди”, балки бизга қўшимча даромад келтиради.

Электр энергиясини давлатга сотиш бора-бора қандайдир тўсиқлар қўйилса керак, деган ҳадик ҳам бўлди. Йўқ, сотиш бўйича шартнома имзоланишидан ташқари, бизга қуёш электростанцияси учун ҳам, иситиш мосламалари учун ҳам компенсация тўлаб берилар экан.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.



Қуёш фотоэлектр станциясидан қанча энергия ажралиб чиқаётганини телефонга ўрнатилган дастур ёрдамида назорат қилиш мумкин. Масалан, соат 11:00. Бу вақтда қурилма соатига 3кВт ток ажратиб берапти. Эрталаб 1 кВт эди. Ёзда кўп, совуқ тушиши билан кам энергия узатади, деган гапларни ашитгандим. Йўқ, қуёш панелларига қуёш бўлса кифоя экан.

“Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” АЖ мутахассислари айтишича, ўзимизнинг эҳтиёжидан ортиб, давлатга йилга 7 минг кВтдан 10 минг кВтгача электр токи йўналтиришимиз мумкин.



Аҳрор АШРАФХОНОВ,
“Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” АЖ молия ва иқтисод масалалари бўйича директор:

— Мазкур амалиёт Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги 610-сон қарори билан тасдиқланган “Электр энергияси, шу жумладан, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларини ягона электр энергетика тизимига улаш регламенти”га асосан амалга оширилди. Бугун қўллаб-қувватлашимиз қуёш панеллари ёрдамида хонадон эҳтиёжи учун электр токи ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Бу каби шартномалар тузилиши орқали тармоқлардаги юктамаларни енгиллаштириш, аварияларнинг олдини олиш, электр энергиясининг таннархини камайтириш, тармоқлардаги технологик йўқотишларни пасайтириш мумкин бўлади. Ҳар бир хонадон қуёш панели қуриш орқали ҳам ўзининг истеъмоли учун, ҳам давлат учун

фойда келтиради. Муҳим жиҳати, ишлаб чиқарилган электр энергиясини умумий тармоққа сотиш — АСКУЭ тизими доирасида ўрнатилган замонавий электрон ҳисоблагичлар орқали амалга оширилади. Агар умумий тизимда авария ёки узилиш туфайли электр токи ўчирилса, ҳисоблагич қуёш панели орқали умумий электр тармоғига ўтаётган электр токини ҳам дарҳол тўхтатади. Ақлли ҳисоблагич бу томон билан мутлақ хавфсиз ҳисобланади.

Қуёш панеллари орқали олинаётган электр энергияси 5 кВт ҳажмга мўлжалланган. Хонадон эгалари электрдан фойдаланса-фойдаланмаса, ишлаб ётаверади, яъни исроф бўлади. Давлатга сотиш орқали эса ортиқча сарфнинг олди олинади, хонадон эгаларига қўшимча даромад келтиради.

Хонадонлар томонидан бизга етказиб берилган энергия суммаси белгиланган шартномага кўра, тарифлар бўйича тўлаб берилади. Замонавий ҳисоблагич ўзидан оқиб ўтган энергияни икки томонга ҳисоблайди, яъни биздан қабул қилиб олинганини алоҳида, бизга ўтадиганини алоҳида ҳисоб қилиб юратади.

2019 йил август ойида Президентнинг “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Қарор билан 2019-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини янада ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш комплекс дастури маъқулланган. Унда қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 2030 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига етказиш кўзда тутилган. Мамлакатимизда қуёш панеллари ва сув иситиш қурилмаларининг кўпайиши мазкур йўлдаги уринишлардан биридир.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Башорат ЮНУСОВА ёзиб олди.

ЯНГИ МАССИВЛАР ҚУРИШ ВА ХУДУДЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 2 НОЯБРЬ КУНИ АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ЯШИЛ МАЙДОНЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ МУҲОКАМАСИ ЮЗАСИДАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ.

ҲАР БИР ХУДУДДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ БАРПО ЭТИЛАДИ.

КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛДА УЛАРДА 250 МИНГДАН ЗИЁД ОИЛА УЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

“Янги Ўзбекистон” массивлари қуриш учун келгуси йилда 15 триллион сўм ажратилиши белгиланди.



2022 йилдан цемент ишлаб чиқарувчилардан фойда солиғи 20 фоиздан 15 фоизгача, ер қазидан фойдаланганлик учун солиқ 2 бараварга камайтирилмоқда.

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАМ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Бу лойиҳа доирасида йилга 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режалаштирилган.



КўП ҚАВАТЛИ УЙЛАРГА ТУТАШ ХУДУДЛАР УЙ-ЖОЙ МҲЛҚДРЛАРИГА ЯШИЛ МАЙДОНЛАР БАРПО ЭТИШ УЧУН БИРИҚТИРИЛАДИ ВА У ЕРДА ҚУРИЛИШ ҚИЛИШГА РУХСАТ БЕРИЛМАЙДИ.

Муассасалар ҳовлиси, маҳаллалар, йўл ва дала четларига дарахтлар экилади.

10 ДЕКАБРГА ҚАДАР ДАРАХТ ЭКИШ БЎЙИЧА “ДОЛЗАРБ 40 КУНЛИК” ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Электротехника: Янги ва тез ўсаётган тармоқ

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Иқтисодий сакраш иборасини шу тармоққа нисбатан қўлаш айни муддао — кейинги 5 йилда электротехника саноатида 11,1 баробар ўсишга эришилди. Замон шиддати ва эркин бозор механизмларининг тез ривожланиши мазкур соҳанинг барқарор одимлашига сабаб бўляпти. Натижада тармонинг республика саноатидаги улуши ҳам ортиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2016 йилда 1,4 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йил якунига қадар 5 фоиз, 2023 йилда эса 8 фоизга етиши кўзда тутилган.

“Электротехника” атамаси илк бор 1879 йилда германиялик муҳандис, тадқиқотчи Werner von Siemens томонидан қўлланилганда, бу каби курилмалардан инсонлар эндигина фойдалана бошлаганди. Бугунга келиб жамият ҳаётининг барча жабҳалари, қолаверса, инсонларнинг турмуш тарзи электротехника воситалари билан чамбарчас боғланган. Улардан ўқишда, ишда, уйда доимий фойдаланамиз.

— Мамлакатимизда электротехника саноатини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани боиси ҳам шундан, — дейди “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси раиси Мирзиёев Юнусов. — Бундан 5 йил олдин юртимизда 1,5 триллион сўмлик электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2021 йилнинг 9 ойи давомида бу рақам 12 триллион сўмни ташкил этди, йил якунига бориб қарийб 17 триллион сўмга етказилиши режалаштирилган. Истиқболли тармоқда электротехника саноати корхоналари сони ҳам йилдан-йилга ортиб бораёти. 2016 йилда улар сони 97 тани ташкил этган бўлса, айни пайтда республикада 900 дан зиёд ана шундай корхоналар фаолият юритмоқда.

ЙИРИК БРЕНДЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Муҳими, соҳадаги юқори ўсиш кўрсаткичларини одамлар ўз ҳаётида сезапти. Сўнгги йилларда электротехника бозорига ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўпайиб бораётгани кўзга ташланади. Қувонарлиси, ўтган давр мобайнида миллий бренд остидаги арзон ва сифатли электрон курилмалар, маиший техника воситаларига ҳам халқимизнинг талаб ва ишончи ошиб бормоқда.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги йирик ва замонавий технопаркда шундай маҳсулотларнинг қўллаб турлари ишлаб чиқарилади. Ҳозирги вақтда бу ерда умумий қиймати 365 миллион доллардан зиёд 17 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Ўтган йили бу ерда электрон газ ҳисоблагичлар, маиший совитгичлар, саноат кондиционерлари ва совитиш тизимлари, сув насослари, лифт ва эскалаторлар, форма ва қолиплар ишлаб чиқаришга оид олти та лойиҳа ишга туширилган.

Мажмуа фаолияти йўлга қўйилган илк даврларданок хорижнинг машҳур бренд компанияларини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Биргина мисол, 2019 йили “Samsung” компанияси билан биргаликда 62 миллион долларга тенг, йиллик қуввати 1 миллион донга бўлган маиший совитгичлар ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилган эди. Мана шу битта корхонанинг ўзи 2020 йилда Россия ва Қозғистонга 5 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилди.

Шунингдек, технопаркда Хитойнинг “Shanghai Mitsubishi” компанияси билан ҳамкорликда лифт ва эскалаторлар, “Whirlpool

China” компанияси билан кир ювиш машиналари, Япониянинг “Shivaki” бренди остида 500 килограммдан 3000 тоннагача маҳсулот сақлаш сифимига эга махсус музлаткич омборхоналари, Италиянинг “Petro Fiorentini” компанияси билан ҳамкорликда йиллик қуввати 3,5 миллион донга электрон газ ҳисоблагич ишлаб чиқаришмоқда.

Юртимизда электротехника саноатини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва берилаётган имтиёзлар, бу борада қабул қилинган бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар натижасида пойтахтимизда ва ҳудудларда йирик лойиҳалар амалга оширилиб, янги маҳсулот турлари тайёрланяпти.

Тошкент шаҳридаги “Moderna ceramic” МЧЖда ҳам Ўзбекистонда илк бор электромоторлар, электроскутер ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лойиҳа қиймати 44,1 миллиард сўм бўлган ушбу объект учун 2,7 миллион АҚШ доллари миқдорига хориж инвестицияси жалб қилинган. Электромоторларнинг асосан 2 та модели — 500 килограмм ва 1 тонналик юк кўтаришга мўлжалланган турлари харидорларга тақдир этиляпти. Улар электр қуввати билан соатига 50-60 километр тезликда ҳаракатланади. Заводда ишлаб чиқаришнинг 70 фоизи маҳаллийлаштиришга эришилган. Ҳозир бу ерда 20 нафардан ортиқ киши доимий иш билан таъминланган. Тадбиркор Баҳром Каримовнинг айтишича, лойиҳанинг учинчи босқичида мини электр тракторлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Ҳозирда хитойлик ҳамкорлар билан мазкур лойиҳа устида иш олиб бориляпти.

ЎЗБЕКИСТОН БРЕНДИ ЯНГИ БОЗОРЛАРДА

Ҳар бир тармоқдаги ўзгариш, аввало, бозордаги талабда намоён бўлади. Электротехника саноати ҳақида гап борганда, соҳада экспорт билан шугулланадиган корхоналар сони ортиб, маҳаллий маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топаётганини таъкидлаш жоиз. Агар 2016 йилда 11 та электротехника корхонаси маҳсулотларни экспорт қилган бўлса, 2021 йилда уларнинг сони 46 тага етди. 2017 йилда хорижга маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 189,7 миллион долларни ташкил этган, 2021 йилда бу кўрсаткич 500 миллион доллардан ошиши кутилмоқда. Жорий йилда умумий экспорт режасининг 226 миллион долларлик қисми МДҲ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Бу борада 7 баробар ўсишга эришилган.



Экспорт географияси сезиларли равишда кенгайиб, анаъанавий бозорларга қўшимча равишда Яман, Бирлашган Араб Амириклари, Сурия, Танзания ва бошқа шу каби давлатларнинг бозорлари ўзлаштирилди. Айни кунда 37 та мамлакатдаги харидорларга миллий бренд остидаги маҳсулотларимиз тақдир этиляпти. GSP+ имтиёзларидан фойдаланган ҳолда Венгрия, Буюк Британия, Германия каби бир қатор давлатлар бозорларига чиқияпти.

Соҳада экспортёр корхоналар учун ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамланиши, давлат томонидан транспорт харажатларини қоплаш бўйича қўрилаётган чоралар, логистика хара-

жатларининг пайсантирилиши маҳаллий тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиб, хорижлик ишбилармонларни жалб этишга хизмат қилмоқда. Айниқса, пандемия шароитида ҳам Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорлар, давлатнинг молиявий қамқиликлари, субсидиялар, солиқ ва боғхона тизимидаги қатор енгиликлар туфайли тармоқда юқори натижалар қайд этилмоқда.

2021 йил 2 мартдаги “Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорини соҳага доир муҳим ҳужжатлардан бири дейиш мумкин. Ушбу ҳужжат билан барча корхоналарга фаолият юритиши, ишлаб чиқариши кенгайтириши ва экспорт ҳажмини ошириши учун шарт-шароит ва қатор имтиёзлар берилди.

Яна шундай имкониятлар туфайли юртимизда иш бошлаётган халқаро брендлар сони ортиб бормоқда. Хусусан, чет эллик бир қатор тадбиркорлар ҳудудларда ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиряпти.

— Ҳозир улкан трансформация, олға одимлаш ва ислохотлар жараёни давом этаётган Ўзбекистонда йирик лойиҳаларни амалга ошириш биз учун ҳам манфаатли, — дейди Буюк Британиядаги глобал алоқа бўйича мутахассис Элеанор Крамерс. — Айни пайтда электротехника саноатидаги тадқиқот ва ишланмаларга фаол



равишда сармоя киритяпмиз. Инновациялар, янги маҳсулот ва ишланмаларни қўллаб-қувватляпмиз. Азёо даражадаги инвестиция муҳити бизга таянч бўляпти. Ўзбекистонда сервис марказлари ва хизматларимиз сони ортди. Ёш кадрларни хорижга ўқишга юбориш имкониятига ҳам эгалимиз. Ёшлар у ерда тажриба ўрганиб қайтади. Бу эса ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш, янги босқичга олиб чиқишга йўл очади.

ИНДУСТРИАЛ ТЕХНОПАРКЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ҳақиқатан, мамлакатимизнинг электротехника соҳасидаги салоҳияти юқори. Биргина яшил энергетика йўналишида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга йилига камида 1 миллиард долларлик янги бозорларни очиб беради. Электротехника кластерини ташкил этиш учун пухта замин яратиб, минглаб янги иш ўринлари яратилляпти. Бундан 5 йил илгари соҳада банд бўлганлар 6 785 нафарни ташкил этган бўлса, бугун уларнинг сони 27 минг нафарга етиши кутилмоқда. Шундан 87 фоизини ёшлар ташкил этади.

Хоразм вилоятидаги “Ҳазорасп эркин иқтисодий зонаси”даги маиший техника воситалари учун электр двигателлари ишлаб чиқариш заводида меҳнат қилаётган Жасур Каримов мутахассислардан иш ўрганиб, ҳозир инновацион дастгоҳларни бошқаришга анча қўли келиб қолган. Олаётган даромади билан рўзгорига ҳисса қўшаётган ёш йигит келгусида электротехника йўналишида таҳсил олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни мақсад қилган.

Электр двигателлари ишлаб чиқариш тўлиқ маҳаллийлаштирилган ушбу заводнинг ишга тушиши ҳудуддаги Жасур сингари 200 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлади. “Future industry systems” МЧЖ томонидан эса 2021 йилда маиший техникалар учун электродвигателлар ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида йилига қиймати 13,2 миллион долларлик импортнинг оптималлаштирилишига эришилди.

Бир сўз билан айтганда, эркин иқтисодий зонада шундай лойиҳаларнинг ишга туширили-

ши орқали янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилиб, соҳада маҳаллийлаштириш даражаси ошмоқда. Республика ҳудудига импорт қилинаётган кўплаб товарларни ўзимизда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилляпти. Хусусан, газ ҳисоблагичлар, 360 литр ҳажмли “No Frost” музлаткичлар, электродвигателлар, сув насослари ва гидрантлар, ID карталар, аклли уй тизими анжом-ускуналари каби маҳсулотлар миллий брендларимиз остида бозорларга чиқмоқда.

— Авваллари, электротехника саноатига оид лойиҳалар асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келган, — дейди Мирзиёев Юнусов. — Жорий йилдан бошлаб, лойиҳаларнинг 70 фоизи энг чеҳка ҳудудларга кириб бормоқда. Биргина Самарқанд вилоятида 7 та лойиҳа амалга оширилляпти. 5 йил олдин биз Тошкент вилоятидан бошқа ҳудудларда “Premier”, “Ferre”, “Ideal”, “S-Smart”, “Rosso” каби янги миллий брендлар остида ўзимизнинг маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини тасаввур ҳам қилмаганмиз.

“Ургут эркин иқтисодий зонаси”да “Sam-Ferre” корхонаси томонидан “Ferre” бренди остида кондиционер, газ плита ва электр печлар, “Sam Elektro Servis” корхонасида газ плита ва электр печлар учун ишлатиладиган бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Фаргона, Андижон ва Наманганда электротехника саноати корхоналари сони олдинги йилларга қараганда 4-5 баробар ортиб, янги

ундан фойдаланган ҳолда электромобиллар ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Агар оддий автотранспорт воситасини тайёрлаш учун 8 килограммдан 20 килограммгача мис ишлатилса, электромобилда бу кўрсаткич 83 килограммгача етади. Бу ўзгаришлар юртимизда ҳам кейинги йилларда мисга бўлган эҳтиёжнинг бир неча баробар кўпайишига олиб келади.

Жорий йилнинг ўтган даврида электротехника саноати корхоналари томонидан 24,8 минг тонна мис хомашёси қайта ишланди. Йил якунида бу кўрсаткичи 55 минг тоннага етказиш имконияти мавжудлиги таъкидланмоқда. Эндиликда, кооперация алоқаларини кенгайтириш мақсадида ҳудудларда электротехника саноатига ихтисослашган индустриал технопаркларни ташкил этиш кўзда тутилган. Бу парклар барпо этилганидан сўнг, бир корхона атрофида бошқа етказиб бериш занкирини шакллантириш бўйича режалар қилинган. Илк босқичда бундай технопаркларни Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятларида ишга тушириш кўзда тутилган.

Хусусан, Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида ихтисослаштирилган индустриал технопаркни қуриш мўлжалланмоқда. Хорижий тажрибадан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, мазкур индустриал технопаркнинг ташкил этилиши, нафақат Тошкент вилояти учун, балки республика иқтисодиёти, умуман электротехника саноати корхоналари фаолиятида катта бурилиш ясади.

ИНВЕСТИЦИЯ — ИҚТИСОДИЁТ ЮРАГИ

Яна бир жиҳат, барча соҳалар қатори электротехника саноатида ҳам инвестициялар улуши ошиб борапти. Мазкур йўналишда 2016 йилда ўзлаштирилган инвестиция ҳажми бор-йўғи 80,7 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2021 йил якуни билан қарийб 143 миллион долларлик маблағ ўзлаштирилиши белгиланган. Йил якунига қадар ишга туширилиши режалаштирилган 45 та инвестицион лойиҳанинг 31 таси тўлиқ фаолият кўрсата бошлади. Бу эса янги экспорт имкониятлари ва иш ўринлари яратилишига асос бўлади.

Ўқинда Навоий вилоятида иш бошлаган Қуёш фотоэлектр станцияси ҳам электротехника саноати корхоналари учун муҳим аҳамиятга эга. Лойиҳа доирасида 110 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 300 мингта қуёш панеллари ўрнатилган. Бу йилига 252 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. 2030 йилга бориб, қуёш электр станциялари қувватини камида 5 минг, шамол электр станциялариникини эса 3 минг мегаваттга етказиш режа қилинмоқда.

Бундай йирик лойиҳалар нафақат иқтисодиётимиз, балки электротехника саноати корхоналари учун ҳам маҳаллийлаштириш йўналишида катта имкониятлар эшигини очиб беради. Шу каби объектларнинг қурилиш жараёнида маҳаллий корхоналаримиз кооперация асосида бир қатор электротехника жиҳозлари, зарур эҳтиёт қисмларини етказиб бормоқда.

— Инвестиция — бу иқтисодиётнинг “юраги”. Хусусан, электротехника саноатига киритилаётган ҳар бир сармоя ва уларнинг салмоғи юқори натижаларни қафолатлайди, — дейди Мирзиёев Юнусов. — Ҳозирги пайтда соҳада янги инвестиция лойиҳалари ва истиқболли йўналишлар устида иш олиб бориляпти. Бу “Электроника ва автоматика”, “Яшил энергетика” ҳамда шунга ўхшаш бир қатор йўналишларни ўз ичига олади. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 3010 та янги иш ўрни яратилади.

Сифатли ва талабгир маҳсулот доим ўз харидорини топади. Тадбиркорлар орасида электротехника саноатига қизиқиш ортиб бораётгани боиси ҳам шундан. Айни вақтга келиб, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси корхоналари ва бошқа тармоқ корхоналар ўртасида “Cooperation.uz” электрон портали орқали 880,3 миллиард сўмлик маҳсулотлар харид қилиниши ва сотилиши амалга оширилган. Улар мунтазам ўтказиб келинаётган “Саноат ярмаркаси” ва кооперация биржаларида ҳам фаол қатнашиб, бошқа тармоқ корхоналари билан қиймати 25 миллиард сўмдан ортиқ шартномалар имзоланишига эришилган.

Мамлакат иқтисодиётининг муҳим драйвери ҳисобланган электротехника саноати тез ва жадаллик билан ривожланиш йўлидан борапти. Бу, ўз навбатида, соҳага янги инвестиция лойиҳаларини жорий этиш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, янги иш жойлари яратиш ва миллий маҳсулотларимизнинг халқаро бозорларда рақобатбардош ҳолишида кенг имкониятлар эшигини очмоқда.



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Бугун жаҳондаги олий таълим муассасаларида бир миллиард нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Ўзбекистон учун ҳам энг устувор вазифалардан бири — ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш, янги миллий таълим тизими орқали етук шахсларни камол топтиришдир. Мамлакатимиз олий таълимида кейинги йиллардаги ислохотлар нафақат тизим мазмунини, балки унинг тузилмасини ҳам тубдан ўзгартирди. Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар, 60 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши эътиборга олинса, ушбу ислохотларнинг ўрни ва моҳияти ниҳоятда муҳимлиги аён бўлади.


ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ЮКСАЛИШНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Юлдуз ЭРГАШЕВА,
Қарши муҳандислик-иқтисодий
институтини профессори,
тарих фанлари доктори



Юртимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришни уч босқичга ажратиш мумкин. Илк босқич 1991 йилдан 1997 йилгача, иккинчи босқич 1997 йилдан 2017 йилгача бўлган давр. Учинчи босқич эса 2017 йилдан бошланиб, ҳозирга қадар давом этмоқда. Бу даврни таълимда модернизация ва рақамлаштириш босқичи деб баҳолаш мумкин. Мазкур ҳар бир тарихий босқичда муайян ижтимоий масалалар ҳал этилган ва соҳанинг янада такомиллашуви учун аниқ мақсадли ислохотлар амалга оширилган.

Шу ўринда таҳлилларга мурожаат қилсак. Масалан, маълум даврда соҳада муайян ижобий натижаларга эришилгани ва олий ўқув юртлиари сони ошаётганига қарамадан, талабалар сони сезиларли қисқаргани кузатилади. Айталик, 1991 йилда барча турдаги таълим муассасаларида 337,4 минг талаба таҳсил олган бўлса, 2016 йилда бу рақам 268,3 мингга тушиб қолган. Ваҳоланки, мазкур даврда республика аҳолиси сони 1,5 баробар кўпайган. Бинобарин, олий ўқув муассасаларидаги ўқув ўринлари сони ўсиши динамикаси демографик ўзгаришларга мос бўлмади. Бундан ташқари, аксар олий таълим муассасаларида сиртки таҳсил бўлимлари ёпилди, бир қанча йўналишлар бўйича қабул квоталари камайтирилди. Олий таълим олишга бўлган талаб эса юқориликча қолди ва ҳатто ўсиб борди.



Хусусан, 1996 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда ўқишга кириш учун ҳужжат топширган абитуриентлар сони 528 фоизга ошди, қабул квотаси эса, атиги 18 фоиз кўпайди. 1996 йилда қабул квотаси топширилган аризалар миқдорининг 46,2 фоизини ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу рақам 8,7 фоизга тушиб кетди. Қанчалик мантиққа зид бўлмасин, талабнинг қондирилмаслиги таълим сифати пасайишига, олий маълумотлилик ҳақидаги ҳужжат мавжудлигига аҳамият биринчи даражада ахиянат қаратилишига олиб келди.

Олий таълим билан қамраб олиш даражасининг паст экани малакали кадрлар сонини кўпайтиришга имкон бермаслиги, аксинча, мамлакатнинг индустриал ва инновацион ри-

вожини сусайтириши ойдинлашди. Негаки, олий маълумотли мутахассисларнинг етишмаслиги миллий иқтисодиёт ривожини ҳамда рақобатбардошлигига жиддий таъсир кўрсади. Ўзбекистонда олий таълим тизимининг умумий қамрови 1991 йилдаги 17 фоиздан 2016 йилда 9 фоизга қадар пасайди. 2008 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда олий таълим муассасалари сони қарийб 8 фоизга ошганига қарамадан, битириб чиқарган мутахассислар салмоғи квоталар кўлланиши натижасида 20 фоизга қисқарди.

Таълим муассасаларида мавжуд нуқсонлар замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини секинлаштириб қўйди. Қайд этиш керак, олийоҳлар профессор-ўқитувчилари таркиби салмоғи ўсишига қарамадан, илмий потенциал ҳамон мақтанарли даражада эмас эди.

Учинчи босқичда олий таълим тизими тубдан модернизация қилинди ва соҳада тўланиб қолган, ўз ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишга жиддий киришилди.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармонида ижтимоий соҳани, жумладан, таълимни ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилди. 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори эса, олий мактабни тубдан такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар даражасида қайта қўриб чиқиш учун қудратли туртки берди. Шунингдек, 2017–2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш Дастури тасдиқланди. Унда тизимни ривожлантириш-

нинг 9 та асосий йўналиши ва олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустақкамлаш, модернизация қилиш, уларни ўқув-илмий лабораториялар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Улар орасида энг асосийси, олий таълим қамровини ошириш саналади. Қарор асосида қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида олийоҳлар сони ошди, 2017–2019 йилларда 6 та олий таълим муассасаси ва 17 та филиал, чет эл олий таълим муассасаларининг 14 филиали очилди. 2019 йил ноябрь ойи бошида юртимизда 114 та олий таълим муас-



сасаси фаолият кўрсатган бўлса, шундан 93 таси маҳаллий, 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари эди. 2019–2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида тахсилнинг сиртки, 10 та олий таълим муассасасида кечки шакли очилди.

Айни пайтда эса олий таълим муассасалари сони 141 тага етди. Улардан 26 таси хорижий таълим муассасалари филиалларидир. Қабул квотаси 3 баробар ошди. Эндликда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 28 фоизга кўтарилди. Яқин келгусида ушбу кўрсаткични 50–60 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасаларининг пойтахтда жамланishi ҳудудларда янги кўптармоқли олийоҳлар очирилишига туртки бўлди. Жумладан, Қашқадарё вилоятда мустақиллик арафасида фақат иккита олийоҳ — Қарши давлат педагогик

институтини ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини Қарши филиали фаолият кўрсатган. Бугунга келиб вилоятда 2 та мустақил олийоҳ, пойтахт ва вилоят олийоҳларининг 4 та филиали ҳамда Марказий Осиёда ягона саналган Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти фаолият юритмоқда.

1992 йилда қайта ташкил этилган Қарши давлат университети вилоятнинг етакчи олийоҳи саналиб, мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқлари учун 30 мингга яқин мутахассис тайёрлаб берди. Ҳозирги вақтда университет таркибида техникум, академик лицей,

Институт олимлари Жаҳон банки халқаро гранти қилиб бўлди.

Президентимизнинг 2005 йил 2 июндаги “Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида асосан, Қаршида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали очилган эди. Ушбу таълим муассасасида айни пайтда 6 та таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрланяпти. Филиал вилоят олийоҳлари орасида биринчи бўлиб хориж тажрибаси асосида тахсилнинг кредит-модулли тизимига ўтди. Таъкидлаш жоизки, ушбу олий таълим муассасаси талабалари Ўзбекистон ва БАА ҳамкорлигида ташкил қилинган “mGovAward” давлат хизматлари мобил иловаларини яратиш бўйича танловда ғолиб бўлди ва 50 минг АҚШ долларига тенг мукофот билан тақдирланди.

Халқаро қўшма дастурлар асосида таълим бериш вилоят олийоҳлари ривожининг ўзига хос белгисига айланди. Қарши давлат университети Россия Федерациясининг Белгород давлат миллий тадқиқот университети билан магистратуранинг 3 йўналиши бўйича, бакалавриятнинг 2 йўналиши бўйича, Москва давлат лингвистика университети билан бакалавриятнинг 1 йўналиши бўйича, Беларусь Республикасининг Янка Купала номидаги Гродно давлат университети билан бакалавриятнинг 1 йўналиши бўйича мутахассис тайёрлашни амалга ошириб келмоқда. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтини Беларусь миллий технология университети билан бакалавриятнинг 4 та йўналиши бўйича кадрлар тайёрловини ташкил этган. Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университети билан ҳамкорликда бакалаврият йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилапти.

Таъкидлаш ўринлики, айни вақтда вилоят таълим муассасалари ўқув-моддий жиҳозланганлик, ўқитиш сифати, хориж олийоҳлари билан яқин ҳамкорлики йўлга қўйиш, ахборот ресурслари ва лабораториялар билан таъминланганлик ҳамда олийоҳларнинг бошқа ҳаётини фаолияти йўналишлари бўйича пойтахт таълим муассасаларидан асло қолишмайди.

Бир сўз билан айтганда, ўқув муассасаларининг ташқи қиёфаси ўзгармоқда, моддий-техник базаси яхшиланяпти, илмий ишланмалари, таълим муассасаларининг ижтимоий соҳасини молиялаштириш, жумладан, ўқитувчиларнинг реал даромадлари ўсмоқда. Инновацион йўналишга эга янги давлат структуралари тузилмоқда, янги типдаги бўлиналар структуралари пайдо бўлмоқда. Буларнинг бари таълим тизими орқали шахсни камол топтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИК МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Неъматилла НИШОНОВ,
ЎЗР ФА М. Ўрозбоев номидаги
Механика ва иншоотлар сейсмик
мустаҳкамлиги институтини
лаборатория мудири, техника
фанлари бўйича фалсафа доктори




Қучли zilzila — катта талафотларга олиб келадиган энг хавфли табиат ҳодисаларидан бири. Кўп ҳолларда zilzila оқибатини бартараф этиш давлат бюджетининг сезиларли қисmini жалб қилади. Ушбу оқибатлар табиий ва техноген характердаги иккиламчи хавфни келтириб чиқариши мумкин бўлган, катта ҳудудларни қамраб оладиган сейсмик тўлқинларни ўз ичига олади. Афсуски, ҳозирча zilzila бўлишини олдиндан айтиб бериш, олдини олиш ёки вужудга келиш эҳтимолини камайтиришнинг яққол имконияти мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, сейсмик таъсирлардан ҳосил бўладиган зарарланишларни камайтириш мумкин бўлган бир қатор илмий-техникавий, бошқарув ва ташкилий тадбирлар бор. Улар сирасига иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам кирди.

Мавжуд ёки қурилаётган бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолаш ва эҳтимолий ҳодисалар сценарийсини ишлаб чиқиш тадқиқотлари иқтисодий йўқотишларни камайтириш, жумладан, инсонлар ҳаётини сақлашга хизмат қилади. Бундай тадқиқотлар zilzila хавфини мавжуд бўлган ҳудудлар учун устувор йўналишлардан биридир. Ўзбекистон сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Шу сабабли zilzila ўпирилишлар,

да назарда тутилмаган эди. Шу боис, Президентимиз томонидан жорий йил 13 сентябрь кунини имзоланган “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги қонун юртимизда сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солгани билан аҳамиятлидир.

Қонунга кўра, сейсмик хавфсизлигини таъминлаш объектлари мудофаа, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, илмий-техник комплекслар, сув омборлари ва гидротехник иншоотлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, таълим ташкилотлари, жамоат ва турар жой бинолари, моддий ва маданий мерос объектлари, кўприклар, йўл ўтказгичлар, туннеллар ва йўллар, муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, газ, сув, иссиқлик ва электр таъминоти тармоқлари ҳисобланади. Улар аҳамиятига кўра тўрт тоифага бўлинган.

Қонун сейсмик хавфсизлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Бу йўналишларга бино ва иншоотларнинг (мавжуд ва фойдаланишга топширилган) zilzилга бардошлилигини мониторинг ва назорат қилиш, сув омборлари бўйича қузатувлар ўтказиш, уларнинг zilzилга бардошлилиги мониторингини, одамлар саломатлиги ва ҳаёти ҳамда аҳоли мулкига зарарини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, йўқотишлар (моддий, иқтисодий ва бошқалар) хавфи, сейсмик хавф ва zilzилалар эҳтимолини башорат қилишнинг замо-



66

Ўзбекистон ҳудудининг қарийб 52 фоизда 7 балл ва ундан юқори кучдаги zilzila содир бўлиши эҳтимоли мавжуд. Шунинг учун иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни таъминлашда асосий ва муҳим муаммолардан бири саналади.

навий усулларини жорий этиш, иншоотларнинг сейсмик қаршилигини кучайтириш кирди.

Ҳужжатда Вазирлар Маҳкамаси, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Фанлар академияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган.

Қонунга кўра, жисмоний ва юридик шахслар тегишли ҳудудда сейсмик хавф даражаси тўғрисида тулиқ ва ишончли ахборотга эга бўлиш, zilzila пайтида ўзини

тутиш қоидалари ва уларга тайёргарлик тўғрисида маълумот олиш, шунингдек, zilzila вақтида ҳодимлар хавфсизлигини таъминлаш ва уларни тўғри ҳаракатланиш бўйича ўқитиш учун мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Қонун Ўзбекистон ҳудудида бўлган шахсларга ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларини бажариш ҳамда ўз ҳаёти, соғлиғи ва мулкини сақлаб қолиш учун zilzилаларга қарши эҳтиёт чораларини кўриш мажбуриятини юклайди.

Юридик шахслар ўз ҳодимларини zilzila пайтида ўзини ҳимоялаш ва

фавқуллода вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш, жойларда огоҳлантириш тизимларининг доимий тайёрлигини, ўзларига тегишли объектларнинг барқарор ишлашини ва ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш шарт.

Ўзбекистон ҳудудининг қарийб 52 фоизда 7 балл ва ундан юқори кучдаги zilzila содир бўлиши эҳтимоли мавжуд. Шунинг учун иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни таъминлашда асосий ва муҳим муаммолардан бири саналади.

Урбанизация, яъни жамият ривожланишида шаҳарлар роли кучайиши, уларнинг кенгайиши, тоғли ҳудудларда транспорт коммуникацияларининг ривожланиши, кўп қаватли бинолар, шунингдек, гидротехник иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш, архитектура ёдгорликларинини сақлаш ишлари геологик хавф муаммолари ортиси-га олиб келади. Ушбу турдаги ҳалокатли хавфнинг олдини олиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бутун дунёдаги йирик шаҳарларда сейсмик хавфсизлик, zilzилбардорш қурилиш муаммоси энг мураккаб масалалардан бири ҳисобланади.

Сейсмик хавф юқори миnтақада жойлашган юртимизда иншоотларнинг zilzилбардорлиги ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш муаммолари бўйича реал амалий масалаларнинг ечимини ва қўлланилиши кўзда тутилган, чуқур фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вазифаларини аниқлаб беради, шунингдек, мақсадли дастурлар ва чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

БҮЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

Кейинги вақтда мен жойларда бўлиб, ҳудудларимиз ҳаёти билан янада яқиндан танишар эканман, шундай бир фикрга ишонч ҳосил қиляпманки, биз ҳали юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улуғ олиму уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганганимиз йўқ.

...Мақсад — тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ кўлэзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англайтиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Марказий Осиё ҳудудида яшаб ижод этган улуғ алломаларнинг ислом маданияти ва илм-фани ривожидagi хизматлари бекиёё. 2008 йилда мисрлик Абдуллоҳ Абдулҳамид Садднинг “Марказий Осиё олимлари энциклопедияси”да ушбу заминдан етишиб чиққан 2700 нафар мутафаккир олимнинг номи зикр қилинади.

САРАХСИЙ — ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСЧИСИ



Ҳайдарали ЮНУСОВ,
юримдик фанлар номзоиди,
ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ
институтти етакчи
илмий ходими

Охириги йилларда халқаро ҳуқуқий таълимотлар тарихи соҳасида олиб борилган изланишлар бизни яна бир кашфиёт томон етакламоқда. Миллий ва нуфузли хорижий кутубхона ва архивларда сақланаётган ноёб манбалар таҳлили халқаро ҳуқуқ фани ва таълимотиға айнан Ўзбекистонда асос солинганини тасдиқламоқда.

Халқаро ҳуқуқ фани халқаро ҳуқуқий амалиёт ва халқаро ҳуқуқий таълимотлар асосида шаклланган фан соҳасидир. Мазкур фан халқаро ҳуқуқнинг асосий мазмун-моҳияти, тамойиллари, ривожланиш қонуниятлари ва истиқболлини белгиловчи қарашларни ўзида акс эттиради.

асарида биринчи марта халқаро ҳуқуққа ҳуқуқнинг мустикал соҳаси сифатида классик таъриф берган. Биринчи бўлиб халқаро ҳуқуқ фан, ҳуқуқий фанларнинг алоҳида тармоғи сифатида эътироф этилиши лозимлигини баён этган.

Мазкур тафаккурини кашфиётларнинг барчаси Ғарб концепциясига асосланган халқаро ҳуқуқ асосчиси — Гуго Гроций яшаган ва унинг китоби нашр этилган пайтдан 600 йил аввал рўй берган эди. Бу ҳақиқат, ўз навбатида, Европанинг атоқли олимлари ва сиёсатчилари томонидан аллақачон тан ҳам олинган. Жумладан, 1975 йил 14 декабрда Қоҳира университетиде сўзлаган нутқида Франция Президенти Валери Жескар Д’Эстен: “Ҳуқуқ таълими соҳасида, унутмаслик лозимки, Миср ҳуқуқи ва қонунчилиги Франция анъаналарига таянса ҳам, бироқ IX-XIV асрларда ислом биринчи бўлиб халқаро ҳуқуқ фанига асос солиш йўлида илк қадамларни қўйган эдики, буни бутун дунё тан олади”, деган эди.

Мухаммад ибн Аҳмад Аби Саҳл Абу Бакр Шамсул-Аимма ас-Сарахсий ислом дунёсиде энг шухрат қозонган уламолардан биридир. Хусусан, унинг ислом манбаъшунослиғи ва усули фикҳ соҳасидаги ишлари ҳозирги кунга қадар хорижда чоп этилган деярли барча дарслик ва қўлланмаларда тилга олинади. Унинг “ал-Мабсут” (“al-Mabsut”) ва “Усул ал-Фикҳ” (“Usul al-Fiqh”) асарлари ислом ҳуқуқи соҳасида асосий дарслик сифатида ўрганилади.


Ҳанафий мазаббининг XV асрда яшаган машҳур ҳуқуқшуноси Аладдин Тарабулусий (1440 йилда вафот этган) таъбири билан айтганда, “Кимки “ал-Мабсут” ва илк ислом даври уламоларнинг асарларини ёд олса, ўша муқтаҳид бўлибди”. Яъни Сарахсий асарини ёд билмаган ҳуқуқшуносга ҳукм ҳосил қилиш ваколати берилмаган. Ушбу асари тўғрйли аллома “мабсут соҳиб” (“соҳибул-мабсут”) деган шарафли нисбага сазовор бўлган. Бундан ташқари, Сарахсийга

1010 йил (ҳижрий 400 йил)да туғилиб, 1096 йил (ҳижрий 490 йил)да вафот этган. Кенг тарқалган ислом қомусларида Сарахсийнинг туғилган жойи аниқ кўрсатилмайди. Жумладан, “Ислом энциклопедияси”нинг 2012 йилда чоп этилган иккинчи нашрида Сарахсийнинг Трансоксиана (Мовароуннахр)да туғилгани ва Фарғонада вафот этгани турли манбаларга асосланиб қайд этилади. Айрим тарихчилар унинг туғилган жойи Машҳад ва Марв ўртасида, ҳозирги Турманистоннинг Эронга яқин чегарасидаги Сарахс шаҳарчаси, деб тахмин қилишади.

Ул зот Бухорода 17 йил таълим олади. Таҳсилни тамомлаган, Фарғонага, унинг кичик бир шаҳри бўлмиш Ўзганд (ҳозирги Қирғизистоннинг Фарғона водийсиде жойлашган шаҳри)ға боради. У пайтда Марказий Осиёнинг катта қисми Қорахонийлар тасарруфида эди. Маҳаллий ҳукмдорға қарши фикрлари учун Сарахсий Қорахоний ҳукмдор Шамс ал-Малик II Насрхон томонидан миллодий 1074 (ҳижрий 466) йилда зиндонға ташланади ва 15 йилдан кейин — 1088 йилда озод этилади. Озодликка чиққан, у Фарғонага (айрим манбаларда Марғилонга) тақлиф этилади. Амир Ҳасан саройида иззат-эҳтиром билан қутиб олинади ва орадан 2 йил ўтиб вафот этади.

Ишончли манбаларда келтирилган маълумотларға қараганда, Сарахсий халқаро ҳуқуқ мавзусига бағишланган “Шарҳ ал-Сияр ал-Қабир”, яъни “Халқаро ҳуқуққа оид шарҳлар” асарини Ўзганд шаҳрида зиндонда бошлаган ва уни Фарғона шаҳрида, вафотидан бироз олдин — 1090 йилда ёзиб тамомлаган. Шу тариқа бутун ислом дунёсиде халқаро ҳуқуқ масалаларига бағишланган биринчи фундаментал асар дунёға келадиги ҳамда ҳозирги Ўзбекистон унинг ватанига айланади. Демак, Сарахсий қаерда туғилганидан қатъи назар, унинг халқаро ҳуқуққа оид шох асари Фарғонада китобат этилган ва Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ туғилган макондир.

Сарахсий ҳаётининг барча тафсилотларини баён қилувчи маълумотлар унчалик кўп эмас. Аллома тахминан миллодий 1010 йил (ҳижрий 400 йил)да туғилиб, 1096 йил (ҳижрий 490 йил)да вафот этган. Кенг тарқалган ислом қомусларида Сарахсийнинг туғилган жойи аниқ кўрсатилмайди. Жумладан, “Ислом энциклопедияси”нинг 2012 йилда чоп этилган иккинчи нашрида Сарахсийнинг Трансоксиана (Мовароуннахр)да туғилгани ва Фарғонада вафот этгани турли манбаларга асосланиб қайд этилади. Айрим тарихчилар унинг туғилган жойи Машҳад ва Марв ўртасида, ҳозирги Турманистоннинг Эронга яқин чегарасидаги Сарахс шаҳарчаси, деб тахмин қилишади.



Албатта, халқаро ҳуқуқий таълимотлар ибтидоси ҳақида гап кетар экан, халқаро ҳуқуқнинг ватани Европа эканига ишора қилинади. Ғарб халқаро ҳуқуқига асос солган олимлар сифатида XV-XVI асрларда яшаб ўтган Франсиско де Витория, Альберико Жентили, Пьер Бейль, Бальтазар Аяяла қабилиларнинг номи келтирилади. 1625 йилда чоп этилган “Уруш ва тинчлик ҳуқуқи тўғрисида” (De Jure Belli ac Pacis) асари билан шухрат қозонган нидерландиялик илохйётчи ва ҳуқуқшунос Гуго Гроций (Hugo Grotius, 1583-1645) асарият миллий ва хорижий адабиётларда “халқаро ҳуқуқ отаси” сифатида тавсифланади.

Этиборлиси шундаки, халқаро ҳуқуққа бағишланган биринчи фундаментал асар Европада эмас, балки бизнинг дйёрда, ҳозирги Ўзбекистоннинг шимоли-шарқиде жойлашган Фарғонада яратилган. Унинг муаллифи XI асрда Бухорода таълим олган ва умрининг катта қисмини Фарғона водийсиде ўтказган йирик ҳуқуқшунос олим — юртдошимиз Мухаммад ибн Аҳмад Аби Саҳл Абу Бакр Шамсул-Аимма ас-Сарахсийдир. Буюк аллома “Шарҳ ал-Сияр ал-Қабир” (“Халқаро ҳуқуққа оид шарҳлар”) ҳаётлик пайтидаёқ “имомлар қуёш” (“шамсул аимма”), “дин қуёши” (“шамсуд-дин”) қаби улуғловчи мақомлар ҳам берилган.

Мутафаккирнинг илмий мероси ҳам ҳажм, ҳам мазмун жиҳатидан ғоят салмоқлидир. Олимлар у юзга яқин фундаментал асар яратган, деб ҳисоблашади. Сарахсий ханафий ҳуқуқининг энг долзарб масалалари хусусиде фикр юритган, энг мунозарали жиҳатларига қўл урган. Шу боис, унинг асарлари бутун ислом дунёсиде кенг тарқалган, нуфузли олийгоҳларнинг кутубхоналаридан жой олган.

Сарахсий ҳаётининг барча тафсилотларини баён қилувчи маълумотлар унчалик кўп эмас. Аллома тахминан миллодий

Имом Сарахсий асарларида халқаро ҳуқуқнинг асосий тушуначалари ва тамойиллари, деярли барча соҳалари ва мавзулари, категориялари ва институтлари ўз аксини топган. Ислом халқаро ҳуқуқ таълимотида шартнома тушуначисига биринчи бўлиб классик таъриф Имом Сарахсий томонидан берилган. Сарахсийнинг “Шарҳ ал-Сияр ал-Қабир” асарида шартнома тушуначиси, шартномаларнинг амал қилиш муддати, санаси, шартномавий ҳуқуқ ва мажбуриятлар қамрови, шартномаларнинг фосиклиги ёки ҳақиқийлигининг мезонлари ва бошқа масалалар атрофида ёритилган.

Сарахсий асарларида дипломатик ҳуқуқдаги ҳар бир ҳолат аниқ-тиниқ изоҳланади. Элчига нисбатан давлат раҳбари ва маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам кўрсатиб берилади. Шунингдек, унинг китобида уруш олиб бориш қоидалари ва уруш жабрдийдаларини ҳимоя қилиш масалалари батафсил ёритилган.

Сарахсий халқаро алоқалар қўламига қараб халқаро ҳуқуқий масалаларда шахсий фикр ва ақлий мушоҳадани қўлашни табиий ҳисоблаган. Бунда асосий омил — ҳудудий хилма-хиллик ёки

макондаги тафовутланиш асос қилиб олинган. Сарахсий ҳудудий хилма-хиллик диний хилма-хилликдан фарқ қилувчи ва кенгроқ ҳуқуқий масалаларға таъсир этувчи омил эканини биринчи бўлиб ургулаган. Сарахсий ҳар бир ҳудуднинг ҳуқуқини эътироф этиш билангина халқаро ҳуқуқ ўрнатилиши мумкин, деган илғор ғояни илгари сурган.

Аллома кўтарган яна бир масала халқаро ҳуқуқдаги ўзаролик (араб тилида “музажа”, инглиз тилида “mutual reciprocity”) тамойилидир. Мазкур тамойил, айнқиса, халқаро ҳуқуқий муносабатларда мувозанатловчи хусусиятға эға. Сарахсий ўзаролик концепциясини илгари сурш билан турли диний эътиқод ва маданиятларға мансуб халқлар ўртасидаги бағрикенглик ва яхши қўшничилик ғояларини энг юкори минбардан туриб тарғиб этган.

Тула асослар билан айта оламизки, Сарахсий — бизнинг юртдошимиз, халқаро ҳуқуқнинг асосчидир. Ўзбекистон эса, халқаро ҳуқуқ туғилган макон. Сарахсий мероси нафақат ўзбек ёки Марказий Осиё ёҳуд мусулмон давлатлари, балки бутун дунё мамлакатлари халқаро ҳуқуқ таълимотининг ибтидосидир.

Афсуски, Сарахсийнинг халқаро ҳуқуқнинг шаклланишиға қўшган ҳиссаси ҳали-ҳануз умумэътирофдан четда қолиб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири, назаримизда, буюк алломанинг бетакрор халқаро ҳуқуқий мероси унинг ватандошлари томонидан ўрганилмагани ва дунё бўйлаб тарғиб қилинмаганидир. Ҳолбуки, Сарахсий асарлари Ғарбнинг етакчи олийгоҳлари ва илмий марказларида қуқур тадиққ этилган, унинг ҳаёти ва ижодиға оид юзлаб китоблар ёзилган. АҚШнинг Юта, Канаданинг МакГиль, Буюк Британиянинг Экзетер университетлари ва бошқа илм дароғхларида Сарахсий меросига оид докторлик диссертациялари ёқланган. Сарахсийнинг халқаро ҳуқуқий қарашлари ислом ҳуқуқининг мумтоз немис тадиққотчилари Жозеф Шахт ва Карл Брокельманн эътиборидан четда қолмаган. Кристофер Мелчерт, Жонатон Браун, Ваил Ҳаллақ қаби танқитчи инглиз шарқшунослари ҳам ислом ҳуқуқи доирасидаги тадиққотларида Сарахсий асарларига мурожаат қилганлар.

Хусусан, Сарахсийнинг “Шарҳ ал-Сияр ал-Қабир” асари халқаро ҳуқуққа бағишланган биринчи доктринал асар сифатида ЮНЕСКО томонидан ҳам эътироф этилган. Китобнинг аҳамиятини эътиборға олиб, мазкур ташкилот ташаббуси ва ҳомиyliлиғида асар 1989-1991 йилларда француз тилиға тўлиқ таржима қилинган ва 4 жипда чоп этилган. Бундан ташқари, Сарахсий асари тўлиқ матнда турк тилиға, тароқ матнда инглиз, немис, испан, урду, форс ва бошқа тилларға ҳам ўғиртилган.

Аслида Сарахсий асарлари, илмий қарашлари ҳамда у яратган таълимотни мукаммал ўрганиш бизнинг вазифамиздир. Унинг номини дунёға ёйиш ва кўп қиррали илмий меросини муносиб тарғиб қилиш ватанимизни тарғиб қилиш демақдир. Зотан, ушбу бетакрор илм дарғасининг илмий-ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш орқали “ал-Наҳда Исламия”, яъни “Ислом Уйғонш даври” — биринчи Ренессанс ва юртимизда энг яхши ниятлар билан пойдевори қурилаётган Учинчи Ренессанс даври ўртасида узвийлик яратувчи “маърифат кўприги” бунёд этилиши мумкин.



ҲАМКОРЛИК

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН

“Мовароуннахр ислом тамаддунининг бешиғи ҳисобланади. Тарихда ислом маданияти дунёнинг турли минтакаларида кузатилган бўлса-да, бироқ ҳеч қайси юртда у Мовароуннахрда бўлгани қаби гуллаб-яшнамаган. Бағдод, Андалус, Шом қаби диёрларда ислом маданияти муайян давр оралиғида ривожланган, Мовароуннахрда эса, бу ҳолат ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистон ислом цивилизациясининг тарихда эришган шонли мавқеини қайта тиклашда муҳим ўрин тутайди.



Шавкат ЁҚУБОВ,
Имом Мотуридий халқаро
илмий-тадиққот
маркази матбуот котиби

Биз барчамиз Имом Бухорийни севамиз. Имом Мотуридийға бўлган муҳаббатимиз чексиз. Шу билан бирга, янги Имом Бухорийлару Имом Мотуридийларға муҳтожмиз. Мотуридийлик таълимотиини чуқур ўрганган, бугунги куннинг долзарб масалаларига ечим топа оладиган кадрларни тайёрлаш долзарб вазифа бўлиб турибди. Бу борада Ўзбекистон билан ҳар қандай ҳамкорликка тайёрмиз.

Мен Самарқанддаги Шоҳи Зинда мажмуасини зиёрат қилганимда шундай дуо қилган эдим: “Аллоҳим, дарёлар қайта оқсин. Бироқ сувға эмас, илмға тўлиб оқсин”. Дарёлар деганда мен Сайхун ва Жайхунни назарда тутган эдим. Менинг наздимда Самарқанд кўчаларини кезишнинг ўзи улкан бир бахт, бир илм ҳисобланади. Ўзбекистон мана шундай муқаддас юртдир”, деди Имом Мотуридий ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадиққот маркази делегацияларининг Туркия Республикасига ташири чоғида Туркиянинг Ислом тафаккури институти директори Меҳмет Гўрмез.

Яқинда Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк мутафаккир алломаларнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш, хусусан, ҳадис илми ривожиде ўчмас из қолдирган Имом Бухорий, ақида ва қалом илмлари ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Имом Мотуридий ҳамда уларнинг издошлари илмий меросини халқаро жамоатчиликка етказиш, аждодларимизнинг жаҳон кўзёзма фондларида сақланаётган Қуръон, тафсир, ҳадис, фикҳ, ақида, қалом ва тасаввуф соҳалари оид кўлэзма ҳамда ташбосма асарларининг факсимиле нусхаларини мамлакатимизға олиб келиш, шунингдек, халқаро алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадиққот маркази ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадиққот маркази илмий хо-димиладан иборат делегация Туркия Республикасиде бўлди.

Ташриф давомида Ўзбекистонда Президентимиз раҳбарлиғида ди-ний-маърифий соҳада амалға оши-

рилаётган ижобий ўзғаришлар ва ислохотлар, шу билан бирга, ислом динининг асл тинчликпарварлик ва инсонпарварлик моҳияти, унинг жамият тараққиётидеги ўрнини илмий асосда ўрганиш, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Абул Муин Насафий қаби алломаларнинг ислом цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини халқаро жамоатчиликка кенг тарғиб қилиш юзасидан “TRT AVAZ” телерадиоканали билан ҳамкорликда медиа маҳсулотлар, ҳужжатли ва бадий фильмлар тайёрлаш борасидаги лойиҳалар юзасидан музокаралар олиб борилди.

— Ўзбекистон ислом цивилизацияси тарихидаги энг буюк маданий марказлардан бири ҳисобланади. Мен Ўзбекистондаги қўлаб муқаддас қадамжоларни зиёрат қилганман. Жумладан, Мир Араб мадрасасига ҳам таширф буюрганман. Дарҳақиқат, ислом маданиятининг тамал тоши Мовароуннахрда қўйилган десак, муболага қилмаган бўламиз. Муқаддас ислом динининг маънавий марказлари Ўзбекистонда Бухоро ва Самарқанд бўлса, Туркияда Кўнядир, — деди учрашув чоғида “TRT AVAZ” телерадиоканали директори Седат Сағиркая.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Анкарадаги Йилдирим Боязид университети ҳудудида юртимиздан етишиб чиққан буюк мутафаккир аждодларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳамда қардош турк халқининг миллатимизға бўлган юксак эҳтироми рамзи ўлароқ “Ўзбекистон” хотира боғи ҳам бунёд этилмоқда. Ўзбекистонлик меҳмонлар ушбу университетта ҳам таширф буюриб, боғнинг очилиш маросимида қатнашди.

Сафар давомида делегация вакиллари Туркия миллат кутубхонасиде бўлиб, у ердаги нодир кўлэзмалар, қадимий ҳамда замонавий манбалар билан яқиндан танишди.

Этиборли жиҳати, мазкур кутубхонада Ўзбекистон бурчаги ҳам ташкил қилинган. Унда мамлакатимизда чоп этилган адабиётлар ҳамда давлатимиз ҳақидаги нашрлар ўрин олган.

Делегация вакиллари икки марказ томонидан нашр қилинган бир нечта китоб, хусусан, Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асарининг ўзбек тилиға ўғиртилган 29 ва 30-жузини ҳамда “Ислом энциклопедияси” китобини мазкур кутубхонаға тақдим қилди.

Ташриф чоғида делегация вакиллари Анқара шаҳридаги Туркия Миллий кутубхонасига ҳам боришди. Ҳозир кутубхонанинг кўлэзмалар қисмида 28 минг манба сақланади. Уларнинг аксар қисми электрон шаклга келтирилган. Кутубхонанинг электрон платформасига аъзо бўлиш орқали 5000 дан ортиқ кўлэзманинг электрон нусхасидан фойдаланиш имкони мавжуд.

Учрашув давомида икки томонлама ўзаро ҳамкорлик масалалари, жумладан, Марказда нашр қилинган китобларни кутубхона фондиға жалб қилиш, Ўзбекистонлик тадиққотчиларнинг Туркия Миллий кутубхонасидан фойдаланиши қаби кун тартибидеги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУҚ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўёлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Тахририятға келган кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишиға “KOLORPAK” МЧЖ масул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 3572.

76042 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоёси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасиде чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов Мусаҳҳис: Ойдин Алъутдинова Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 22:02 Топирилди — 00:25